

ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК

ИНГЛИЗ ТИЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА СОМАТИК ВА ЗООНОМИК КОМПОНЕНТЛИ ТЕРМИНЛАРНИНГ ТАРЖИМАДАГИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Ойбек Сапорбаевич АХМЕДОВ

Филология фанлари доктори

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ahmedov.oybek@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақола инглиз тили иқтисодиёт терминологиясида соматик ва зоономик компонентли терминларни ўзбек тилига таржима қилишдаги лексик-семантик хусусиятлари тадқиқига бағишланган. Лингвистик таҳлил орқали терминларнинг денотатив ва конотатив маънолари очиб берилган, таржима қилиш усулларига тўхталиб ўтилган. Шу маънода, бу каби терминларнинг лексик-семантик хусусиятларини ақс эттирадиган икки тилли ва изоҳли луғатларни яратиш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири эканлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: термин; терминологик тизим; соматик ва зоономик компонентли термин; лексик-семантик хусусият; сема; таржима; стилистик бўёқдорлик.

ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОМАТИЧНЫХ И ЗООНИМИЧНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ ПРИ ПЕРЕВОДЕ С АНГЛИЙСКОГО НА УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

Ойбек Сапорбаевич АХМЕДОВ

Доктор филологических наук

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

ahmedov.oybek@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются лексико-семантические особенности экономических терминов с соматическими и зоонимическими компонентами при переводе с английского языка на узбекский. Кроме того, были выявлены денотативные и коннотативные значения терминов, методы их перевода были исследованы посредством лингвистического анализа. С этой точки зрения составление двуязычных и объяснительных/толковых словарей, которые отражают лексико-семантические особенности экономических терминов, – одна из актуальных проблем настоящего времени.

Ключевые слова: термин; терминологическая система; соматические; зоонимические; лексико-семантические особенности; сема; перевод; стилистическая окраска.

LEXICO-SEMANTIC PECULIARITIES OF ECONOMIC TERMS WITH SOMATIC AND ZOONOMY COMPONENTS IN TRANSLATION FROM ENGLISH INTO UZBEK**Oybek Saporbayevich AKHMEDOV**

Doctor of Philology

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

ahmedov.oybek@mail.ru**Abstract**

This article deals with analyzing lexico-semantic peculiarities/features of economic terms with somatic and zoonomy components in translation from English into Uzbek. As well as, denotative and connotative meanings of the terms have been revealed, their translation methods were touched upon through the linguistic analysis. From this point, compiling bilingual and explanatory dictionaries that reflect lexico-semantic peculiarities of economic terms was stressed as one of the topical issues of current time.

Keywords: term; terminological system; somatic and zoonomy terms; lexical-semantical peculiarities; seme; translation; stylistic color.

Терминологияда кишилиқнинг иқтисодийга оид муайян фаолият турлари ўз аксини топган. Умумадабий тилдан терминологик тизимга чуқур концептуал босқич орқали ўтиши табиий ва ижтимоий ҳодисадир. Терминлар тилга, тил эса кишиларга тегишли. Лингвокогнитив тадқиқотлар бевосита “антропоцентризм” йўналиши омиллари билан чамбарчас боғлиқ. Антропоцентризм илмий тадқиқотларда асосий тамойил ҳисобланиб, тадқиқот объекти марказига, аввало, инсон омили қўйилади. Шундай экан, иқтисодий терминологик бирликлари ҳам бевосита антропоцентризм тамойилига боғлиқликда таҳлил ва тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Шу маънода, ушбу мақолада инглиз тили иқтисодий терминологиясида мавжуд бўлган соматик ва зоономик компонентли терминлар хусусида тўхталиб ўтамыз. Инглиз умумадабий тилдаги *brainpower* қўшма сўзнинг айнан – сўзма-сўз таржимаси *мия кучи, ақлий қобилият, ақлий заковат* маънолари билан талқин қилинади. Лекин *brainpower* қўшма сўзи иқтисодий термин сифатида *солиқ механизмини такомиллаштириши борасида зеҳни ўтқир кишиларга* нисбатан қўлланилади. Инглиз умумадабий тилдаги *brainstorming* лексемаси эса *ақлий ҳужум* маъносини ифодалайди. Аммо уни иқтисодий лексикасининг махсус термини сифатида *ақлий ҳужум* тарзида талқин қилиш нотўғри. *Brainstorming* иборасида соҳа термини сифатида *соҳага оид мураккаб муаммонинг жамоавий муҳокамаси, муаммонинг жамоавий ечими* тушунилади. Масалан: *when the boss doesn't know the solution of the problem he calls us all into his office for a **brainstorming** session and more often than not we find the answer* (1, 29). – *Қачонки бошлиқ муаммо ечимини топа олмаса, у бизни*

жамоавий муҳокама учун ўз идорасига чақиради ва биз тез вақт ичида муаммони ҳал қиламиз.

Brain сўзининг денотатив маъноси инсонда таффакур қилиш органи бўлган “мия” сифатида ифодаланади. Аммо таржима жараёнида бадий тасвир воситаси бўлган метафора ҳодисасининг юзага келиши орқали *power* - куч, қувват, *storming* – бўрон, тўфон лексемалари “*brain* – мия” сўзига бирикиб, субъектга нисбатан ўзига хос стилистик маъно ифодаламоқда. Терминологияда *power* –куч, қувват сўзи *taxing* “солиқ солиш” терминига қўшилиши натижасида *taxing power* бирикмали термин ҳосил бўлган. Ушбу лексема, яъни *power*– куч, қувват таржима жараёнида стилистик жиҳатдан бироз нейтраллашиб, *солиққа тортиш ҳуқуқи, солиқ солишни жорий этиш, солиқ ваколати* каби маъноларни ўзида акс эттиради. Қуйидаги жумлага эътибор беринг:

Инглизча: General obligation bond is a municipal bond secured by the *taxingpower* of the issuer (1, 86).

Ўзбекча таржимаси: Умумий қимматли қоғозлар муниципал облигациялар сифатида ахамиятга эга бўлгани боис уларнинг *солиқ ваколатлари* эмитентлар орқали кафолатланган.

Инглиз умумадабий тилида қўлланадиган *invisible hand* сўз бирикмасининг калька таржимаси *кўринмас қўл* шаклида талқин этилади. Уни махсус термин сифатида *талаб ва таклиф* тарзида ўгириш мақсадга мувофиқ. *Invisible hand*– *кўринмас қўл* ибораси илк бор шотландиялик иқтисодчи олим Адам Смит (1723–1790) томонидан амалиётга киритилган. У ўзининг иқтисодий назариясига асосан *invisible hand* – *кўринмас қўл* деганда бозордаги *талаб ва таклиф*ни назарда тутди. Олим бозор механизмини тўлақонли ишлаш жараёнида *кўринмас қўл* – *талаб ва таклиф* эркин рақобатни мунтазам шаклда бошқаришни таъкидлайди. Альфред Чандлер томонидан илгари сурилган *visible hand*–*кўринар қўл (давлат)* термини эса давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришдаги, тартибга солишдаги таъсири (аралашуви)ни изоҳлайди. Қуйидаги инглизча матннинг таржимасига диққат қаратамиз:

The visible hand of managerial coordination had replaced the invisible hand of the market (1, 63). – Бозордаги “*кўринар қўл*” ўзининг бошқарув мувофиқлигини “*кўринмас қўл*”га ўзгартирди.

Инсоннинг тана аъзоси (соматизм) бўлган қўл билан боғлиқ иқтисодиёт соҳасига оид терминларни амалиёт доирасида мавжуд кўплаб адабиётларда, материалларда учратиш мумкин. Масалан:

Both parties have equal opportunities to hear out their counterpart’s argument and come to an agreement on the business in *hand* (1, 186). – Иккала томон ҳам ўз

шерикларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, *муҳокама* қилинаётган масалани ҳал қилиш учун тенг имкониятга эга.

Инглизча матнда қўлланилган *business in hand* иборасини учратган ҳар қандай таржимонинг ўз миллий тилига *бизнесни бошқариш, бизнесдаги ишларни қўлга олиш* шаклида ўгиришига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аслида ҳам унинг сўзма-сўз (калька) таржимаси айнан шундай маънони англатади. Бироқ мазкур сўз бирикмасини фразеологик ибора нуқтаи назаридан ўзбек тилига *муҳокама (ҳал) қилинадиган масала* тарзида табдил қилишимиз мақсадга мувофиқлиги ўз-ўзидан ойдинлашади. Чунки, фразеологик ибораларнинг маъноси уларнинг таркибидаги лексемаларнинг маъноларига боғлиқ бўлмайди, таржимада яхлит бир маънони акс эттиради.

Иқтисодиёт терминологик тизимида кириб келган айрим термин-лексемалар ўзи билан турли ҳайвон номларини ҳам акс эттиради. Улар мақолада ўз хусусиятларига кўра икки лексик-семантик гуруҳга (ЛСГ) ажратилди:

- а) уй ҳайвонлари;
- б) ёввойи ҳайвонлар.

Биринчи гуруҳга доир *bull* – ҳўкиз лексемаси иқтисодиёт термини сифатида *чайқовчи (спекулянт), товламачи, биржа ўйинчиси* каби маъноларни акс эттиради. Биржадаги акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар котировкалари ва уларнинг нархи ошишига, ўйнаб туришига таъсир қилувчи шахс. Қуйидаги жумлаларни мисол тариқасида келтирамиз.

Инглизча: In this case, there may not be enough new *bulls* to keep the market uptrend intact (7, 45).

Ўзбекча таржимаси: Курс нархларида ўзгариш бўлмаганига қараганда, бозорга янги ҳўкизлар¹ келмаган кўринади, эҳтимол. Инглизча: If we succeed in *bulling silver* we shall also succeed in *bearing gold* to the same extent (7, 44). Ўзбекча таржимаси: Агар биз кумуш нархини *оширишни* ууддалай олсак, у ҳолда олтин нархини *оширишига* ҳам эришамиз.

Умумадабий инглиз тилидаги *bull* – ҳўкиз лексемаси метафора воситасида қуйидаги жаргон мулоқот доирасига кириб келган. Don't give me any of that *bull* (7, 91). – Қулоғимга лағмон илма. Шунингдек, *cash cow*– соғин сигир, фойда келтирадиган уй ҳайвони, реклама қилиш учун алоҳида сарф-харажат талаб қилмайдиган, фойдали бизнес, ишончли даромад манбаи маъноларида қўлланилади. Қуйидаги жумлалар мазмунига эътибор беринг.

¹Жумлада қўлланилган *ҳўкиз* сўзи валюта ва қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи *чайқовчи* маъносини ифодалаб келмоқда.

He turned out to be the *cash cow* we needed (8, 93) – У биз қарз олиб тура оладиган ишончли *манбага* айланди.

... till the *cow* comes home (мет.) – туянинг думи ерга текканда ёки қизил қор ёққанда, тарзида таржима қилинади.

Масалан, “Sequoia Computers” is trading at about \$2 per share now. At that price, we would buy it till the *cows* come home (8, 69). Эндиликда “Секвойя Компьютерс” акцияларининг ҳар бири тахминан икки доллар. Биз уларни бу нархда *қизил қор ёққанда* сотиб оламиз.

Инглиз тилидаги *he is as gentle as a lamb* иборасининг негизида икки халқнинг бир хил ҳаётий тажрибага асосланган тушунчалар ётганлиги боис ушбу иборани интеграл хусусиятга эга деса бўлади. Мазкур ибора таркибида ўзбек тилига мос келадиган лексик индикаторлар мавжуд бўлганлиги сабабли у ўзбек тилига *у қўйдек юввош, у паишага ҳам озор бермайди* муқобили асосида таржима қилинади. Бироқ инглиз тилининг иқтисодиёт терминологик тизимида учраши мумкин бўлган *lamb* – қўй (қўзичок) терминини матнда учратган ҳар қандай киши, ҳатто, моҳир таржимон ҳам иккиланиб қолиши табиий. Бундай вазиятларда соҳага доир икки тилли изоҳли луғатларга мурожаат қилинса, ушбу инглизча лексик бирликни ўзбек тилига термин сифатида ўгиришда *тажрибасиз чайқовчи (спекулянт), савдони кўр-кўрона олиб борувчи шахс* шаклида талқин этиш тўғри эканлиги аниқлаб олинди.

Таржимашуносликда стилистик ва фразеологик воситалар бир тилдан иккинчи тилга асосан *калькалаш, тасвирий ва муқобил вариант танлаш (эквивалентлар)* усулларидадан фойдаланиш орқали таржима қилинади.

Биз шунга ишонч ҳосил қилдикки, инглиз тили иқтисодиёт лексикасида қўлланадиган стилистик бирликлар шаклидаги айрим терминларни контекстдан ўзбек тилига ўгиришда юқорида қайд этилган тўрт усулга мурожаат қилиш бефойда экан. Масалан: ўзбек тилидаги *содиқ ит* маъносини англатувчи *watchdog* махсус термин сифатида *назорат қилувчи орган, инсонлар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи қўмита, гуруҳ, шахс, шунингдек, коррупцияни назорат қилувчи комиссия* каби семаларни ўзида акс эттиради.

Бундай турдаги лексемалар терминологик маъноларни ифода этишда хайвонларни инсонга фойда келтирувчилиги хусусиятларига асосланади. Ифода этилаётган терминларда субъектга нисбатан ижобий муносабат ифодаланади. Масалан: *сигир* – одамларга фойда келтирувчи хайвон, фойдали, даромадли бизнес. Қўй, қўзичок хайвон номлари орқали эса субъектга нисбатан *таваккалчи, тажрибасиз чайқовчи* сингари маънолар ифода этилмоқда.

Иккинчи гуруҳга доир *bear* сўзини ўзбек тилига *айиқ* деб таржима қиламиз. Ушбу сўз махсус соҳа термини сифатида *товар ва маҳсулот нархлари пасайишидан фойдаланувчи биржа чайқовчиси* тушунчасини англатади. Яъни, иқтисодчилар тилида 1) *чайқовчи*; 2) *брокер, нарх тушишига таъсир кўрсата олувчи шахслар “айиқлар – bears”* деб аталади.

Метафора воситасида ҳайвон номларининг бундай шаклда ишлатилиши натижасида улар ёрдамида қуйидаги сўз бирикмалари ҳам ҳосил бўлган. Жумладан: *bear market* – “айиқ бозори”, валюта курс нархлари тушиб кетадиган бозор. *Covered bear* – “ҳимояланган айиқ”, чайқовчи, акция ва бошқа қимматли қоғозлар сотувчи шахс. *Pressure on bears* – айиқларга босим ўтказиш. Махсус соҳа термини сифатида эса чайқовчиларга таъсир ўтказиш мақсадида ташкил қилинадиган махсус тадбир, “*айиқлар*”ни валютанинг сотувдаги нархидан бирмунча юқори нархда сотиб олишга мажбур қилиш. *Stale bear* – вазиятдан чиқа олмаган айиқ, иложсиз қолган, ютқазган чайқовчи. Шунингдек, *bear hug* – айиқнинг кучоқ очиши бирикмали терминида *кўзланган фойда учун компанияни харид қилиш таклифи* маъноси акс этмоқда (2, 69).

СБ терминологиясида *bear* – *айиқ* сўзи билан боғлиқ кўплаб амалий мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, 2003 йили В. А. Королькевич ва Ю. В. Королькевич ҳаммуаллифлигида яратилган «Англо-русский словарь живого-экономического языка» луғатида *bear* – *айиқ* номи билан боғлиқ қуйидаги кўчма (мажозий) маънода ифодаланган термин бирикмалар келтирилган (1, 23).

- *bear* – айиқ 1 (от.), қимматли қоғозлар ёки валюта курсларининг тушишидан фойда олувчи чайқовчи; 2 (фeyл) валюта курсларини тушишига таъсир қилмоқ, “ўйин” қилмоқ;
- *bear* – айиқлексемасини фeyл ва от сўз туркумлари ҳамда предлоглар билан бирикиб келиши ва қўлланиш ҳолатини кузатамиз;
- *bear on* – даҳл қилмоқ, муносабатда бўлмоқ, алоқада бўлмоқ, боғлиқ бўлмоқ;
- *bear out* – қўллаб-қувватламоқ, тасдиқламоқ;
- *bear up* – ўз позициясида қатъий турмоқ;
- *bear the brunt of* – 1) оғир зарбани ўзига қабул қилмоқ;
- *go to bear* – қимматли қоғозлар курсининг тушишга таъсир қилмоқ;
- *run with a bear* – лексик маъноси: “*айиқ билан биргаликда қочмоқ*”, 2) *компания акциялари курсини туширмоқ*;
- *sell a bear* – сотмоқ.

Мисол: The decision to charge for late payment or not is a matter for management judgement, and the factors mentioned above directly *bear on* the decision (1, 23). – Тўловни тўлаш кечиккани учун маълум фоида микдориди жарима ундирилиши ёки ундирилмаслиги раҳбарлар ихтиёридаги масала. Юқорида қайд этилган ҳолатлар эса бевосита *қарор қабул қилинишига* боғлиқ.

We all lost money when the business collapsed, but I bore the *brunt of* it because I had invested most (1, 23). – Шахсан мен, кўп маблағ сарфлаган бизнесимиз касодга учраганлиги боис барчамиз пуллардан ажралдик ва натижада мен *қаттиқ зарба едим*.

The report *bears out* what the dealers have been saying – маълумот, воситачиларни (диллерларни) нима ҳақида сўзлашаётганини *тасдиқлади*.

The numbers *bear that out* – рақамлар шуни *тасдиқлайди*.

Ҳайвон номлари билан ифода этиладиган, услубий бўёқдорликка эга бундай терминларни тўғри ва мос (адекват) таржима қилиш учун таржима қилинаётган тилнигина эмас шу тилда мулоқот қилувчи халқнинг тарихни, турмуш тарзи, миллий маданий хусусиятларини ҳамда иқтисодиёт соҳасининг ўзига хос жиҳатларини чуқур ва тереин билиш муҳим. Ҳайвон номлари қўлланилган стилистик бирликлар ўзларида кўп маънолилиқни мужассамлаштиргани боис икки тилнинг лексик-семантик жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келадиган вариантини танлаб таржима қилиш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди.

Бундай стилистик бирликлар иқтисодиёт терминологиясига ҳар бир тушунчани алоҳида термин билан ифодалашга терминологик тизимнинг имкониятлари етмагани ёхуд чеклангани, бир-бирига ўзаро яқин бўлган илмий тушунчалар ўртасидаги лексик-семантик аниқликни белгилаш зарурати натижасида кириб келган. Бундай ҳолатда таржимон кўзлаган мақсадга эришиш учун стилистик бирликлар иштирок этган матнни таржима қилишда семантик маънони тўлиқ қамраб олиши, қисман мос келадиган муқобил таржима вариантини танлай билиши муҳим аҳамият касб этади. Таржимон икки халқнинг миллий-маданий ўзлиги, турмуш шароити ва урф-одатини яхши билган бўлсагина мос (адекват) таржимага эриша олади.

Юқорида қайд этилганидек, терминларни таржима қилишдаги услубий бўёқдорлик ва маъно кўчиш ҳодисаси ҳайвонларнинг бевосита соҳага оид хатти-ҳаракатига, уларнинг инсонлар томонидан тавсифланишига асосланган бўлиб, метафора асосида амалга ошган. Аслида, мазкур терминлар иқтисодиёт ва унинг таркибий лексик қатламларида қўлланиши нуқтаи назаридан *оксиморон* (тескарилиқ) функциясини бажармоқда. Бундай терминлар структур жиҳатдан

когнитивликка асосланган ва улар экспрессивлик, образлилик билан узвий боғланган. Бинобарин, стилистик бирликлар инсоннинг ҳаётий кузатишлари натижасида пайдо бўлади. Турли халқлар моддий дунёни тасаввур этишида ўхшашлик бор. Аммо, ҳеч бир тилда маълум тушунчани образли, ҳис-ҳаяжонли ифода этадиган стилистик бирлик ўзга тил стилистик тизимида ўзининг аниқ муқобилига эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда улар турли трансформацион (лексик, прагматик, стилистик, грамматик) усуллар ёрдамида таржима қилишни талаб этади.

Образли воситаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш асносидаги қийинчиликлар келиб чиқишининг асосий сабаблари тилнинг миллийлик, ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир. Демак, таржимон стилистик воситалар ва фразеологик бирликлар қўлланилган матнни таржима қилишда ўзи кўзлаган ижобий мақсадга эришиш учун семантик маънони тўлиқ қамраб олиши, кўшимча тушунтириш, изоҳлардан фойдаланиши, тўлақонли мос келадиган муқобил таржима вариантыни танлай олиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Королькевич В. А., Королькевич Ю. В. Англо-русский словарь живого финансово-экономического языка. – М., 2003. – 462 с.
2. Крысин Л. П. Толковый словарь иноязычных слов. – М., 1998. – 503 с.
3. Муминов О. М. Lexicology of the English Language. – Т., 2008. – 239 p.
4. Мусаев Қ. М. Таржима назарияси асослари. – Т., 2005. – 361 б.
5. Мусаев Қ.М., Қудратов М.Ш. Инглизча-русча-ўзбекча иқтисодий луғат. – Т., 2001.– 762 б.
6. Мусаев Қ. М., Эрдонаев А. Ҳ., Қудратовлар М. Ш. Economics-Finance-Banking-Commerce (Иқтисодиёт-Молия-Банк-Тижорат). Беш жилдлик инглизча-ўзбекча луғат. – Т., 1998. – 529 б.
7. Мюллер В.К. Англо-русский словарь. – М.: Русский язык, OCR Палек, 2010. – 563 с.
8. Сычева Н.Г., Ильина В.В. Толковый словарь аудиторских, налоговых и бюджетных терминов.– М., 2003. – 292 с.